

Қарор ижроси йўлида

Жиззах вилоят ҳокимлигига жорий йилнинг 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Ахолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сон қарори, ҳамда автомобиль транспорти норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги янгилик, ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида ҳокимият мажлислар залида семинар йиғилиш бўлиб ўтди.

Семинар йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари А.Рахмонкулов очиб, кейинги йилларда Жиззах вилоятида автомобиль транспорти соҳасида ахолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилди. Автотранспорт хизматларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари изчил бажарилаётганлигини бироқ автотранспорт хизматлари кўрсатиш тизимини, айниқса, қишлоқ жойларда такомиллаштириш ишларини бундан кейин янада фаоллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ПҚ-2724-сон қарори, ҳамда ушбу қарор муносабати билан тайёрланган Хукумат қарори лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиши бўлими бошлиғи Г. Магай семинар иштирокчиларига тушунчалар бериб ўтди.

Шаҳар йўловчилар ташиш транспортида йўлкира учун нақд пулсиз хақ тўлаш тизими ҳамда “Online” (GPS) режимида масофадан кузатиш тизимини жорий қилиш бўйича “Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник таҳъминлаш” Республика маркази мутахассиси Нажмиддин Гулямов қабул қилинган қарор вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида биринчи навбатда, қишлоқ жойларда автотранспорт хизматлари билан таъминлашни янада яхшилашда, йўловчилар ташиш хавфсизлигини оширишга қаратилганлигини, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида автобус ва микроавтобусларнинг ишини масофадан онлайн режимида (GPS) доимий кузатиш, 2018 йилнинг 1 июль санасига қадар Жиззах шаҳар йўловчилар транспортида йўл хақини банк пластик карточкасида нақд пулсиз тўлаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан лизинг ҳисобига автотранспорт воситаларини сотиб олиш, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва лизинг ажратмаларида солиқка тортиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва аудит бошқармаси бош иқтисодчиси Беҳзод Маматов қарорда лизинг компаниялари ва ташувчиларнинг ўzlари янги сотиб оладиган микроавтобуслар учун республика йўл жамғармасига тўланадиган йиғим тўловидан озод қилиниши назарда тутилганлиги ҳақида тушунтириб ўтди.

Шунингдек, қарорга асосан автомобиль транспорти корхоналарининг автобус, микроавтобусларда шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларда йўловчиларни ташиш қисмидан ягона солиқ тўловидан озод қилиш механизми ҳақида Солиқ маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси аудиторлар Палатаси аъзоси Анвар Салимов юридик шахслар шаҳар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда (қишлоқ жойларда) автобусларда йўловчилар ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилинганлигини ҳақида ҳамда махаллий бюджетдан маблағ олиш механизми тўғрисида (автостанциялар қурилиши, реконструкцияси

мисолида) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бош иқтисодчиси Бобур Абдиназаров семинар иштирокчиларига эслатиб ўтдилар.

Ушбу семинар йиғилишда Ўзбекистон Республикаси аудиторлар палатаси, Молия вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Жиззах вилоят ИИБ ЙХХБ, вилоят Марказий банк бош бошқармаси, вилоят ДСБ, вилоят молия бошқармаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Жиззах вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси, Жиззах ҳақиқати газетаси, Жиззах шаҳар телевиденияси маъсул ходимлари ва валоятда фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхоналари ҳамда автовокзал ва автостанция раҳбарлари иштирок этишди.

Семинар йиғилиши иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоблар олишди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати